

ТОШКЕНТ САФАРИНДАГИ МАЪЛУМОТЛАРИМ[1]

12-апрелда макони маъхудим Тўракўргондин поездга ўлтуруб муддати уч соатда Хўкандга келтурганда, бу мўъжизоти оламини кўруб ва халкуллохларни сайри саёхати осон бўлганини мушохада килиб, ҳамд ва шукрлар айтуб, алалхусус, Сирдарёдин аввал вақтларда ўтмак тўрт соат, балки баъзи кунларда ўтолмай колур эдук. Неча ашёи жадидалар, чунончи, ишларимизда, тижоратимизда, зиндакорчиликларимизни осон бўлгани, бормак, келмак ёки бўлак иш килмак осон бўлгани. Алалхусус, булар ичида ахли илм ва ахли фикрларга маълумотлар ва китоблар кўб бўлуб, хар нима билмак ва топмак осон бўлгани, ҳамма кўл ишларига мошина ихтиролар чикорилиб, оз вақтда кўб иш килиши, курукда ва дарёда юрмакка асбобу адавоатлар мухайё бўлганининг устига бу мамлакат ахлини маданиятга солмак учун яхши мактаблар тайёрланиб, толиби илм ва касб кишисига хаммалари очик бўлуб турганини кўруб хурсанд бўлуб, бизни халк хам шояд бу илмлардин бахра олсалар эди деб, Тошканд боргунча фикримда эди. Тошканд борганда, кундузлар бог саёхатларида, кечалар томошахоналарда хикоят китобларидин ўткан воқеаларнинг хикоясини суратда ўзини килиб, синимотуграф томошасида бўладургон томошаларни мушохада килиб кўруб, бормок-келмокда ўтуруб бормок учун килинган кўнка электрияларни ва кечаларда ёкмаклик учун ёгсиз ва ўтсиз ёнадургон электрия чирогларни кўруб, ахлимиз бундан манфаат олганларидин бошка Еврўпо илмига хам ўргансалар эди деб, афсуслар килиб эдум. Баногох, Тошкандни Хадра мавзеёида бўладургон дувухкласной шкўлда имтихон вақти экан. Рафико ва катталаримиз таклифлари мўжибича боруб, они кўрдумки, имтихонда бизни мусулмония болалари хам яхши, дуруст русия забонини расо ва яхши сўзламокга кодир бўлуб, улуглар хузурларида хикояларни икки бола бир-бировига мукобил савол-жавоб килишиб, яхши имтихон берганлари яна мани шодландурди. На учунки, бизни ислом болалари ҳукумат лисонларига олим бўлмокга хам ҳаракатлари борлиги маълум ўлди. Иншаоллох, яна бир неча йилларда бу ёзилмуш илм ва касби камолотларидин хам хиссаларини олмокка истеъдодлари бўлгудек экан.

Туркистон вилоятининг газети, 1914 йил, №48

[1] Исхокхон Ибрат 1914 йили рус-тузем мактабларида ўтказиладиган битирув имтихонларида катнашиш учун махсус таклиф билан Тошкентга келган. Хадрадаги икки синфли рус-тузем мактабида рус тилидан имтихон олишда иштирок этади. Имтихондан олган таассуротлари ушбу мақоланинг ёзилишига сабаб бўлади.